O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 27 апрел жума

Сотувда эркин нархда № 83 (2645)

САФАРБАР АВЛОД

Ниҳоят, Ўзбекистон ёшларининг янги ижтимоий ҳаракати яхлит бир демократик ташкилот, уюшма сифатида бунёдга келди. Унга асос солган ва шу йилнинг 25 апрел куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи — мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида юз берган энг муҳим тарихий воқеалардан биридир.

Президент Ислом Каримов ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсис қурултойига табрик йўлладилар. Ушбу табрик нафақат мазкур анжуман қатнашчиларига, балки ўзининг теран мазмун-моҳиятига кўра бутун мамлакатимиз ёшларига давлатимиз раҳбарининг оталарча самимий ҳис-туйғуларини ўзида ифода этганлиги билан қимматлидир.

Жумладан, табрикда шундай сўзлар бор:

«Кўпмиллатли Ўзбекистон ёшларининг хоҳиш иродасини, уларнинг жўшқин ва соф интилишларини ифода қиладиган сиз — қурултой делегатлари мураккаб ва шиддатли замон бугун олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни адо этиш борасидаги улкан масъулиятни чуқур англаб, «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг фаолиятини шу асосда ташкил этасиз, деб ишонаман».

Юртбошимизнинг бу ишончи — ёшларга мустақил Ватан ишончи, мураккаб машаққатлар ичида, тинимсиз меҳнат билан Ўзбекистон келажагининг пойдеворини яратишдек масъулиятли вазифани шараф билан адо этаётган халқимизнинг ўз фарзандларига ишончидир.

Ёшларимиз ҳам шу юксак ишончга муносиб равишда вояга етаяпти. Яқинда таҳририятимизга бир магистрант — талаба мактуб йўллади. Унда, жумладан, шундай сўзлар баён қилинган: «Юртнинг келажагини билмоқчи бўлсанг — унинг ёшларига назар сол». Қандай ажойиб фикр! Демак, ёшларимиз — ўз тақдирини ватан, жамият тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина тасаввур ва идрок этмоқда. Ўз ёшликларини улар шунчаки ўйин-кулги, айшу-фароғат фасли деб эмас, балки умрнинг масъулиятли бир даври, катта ижтимоий қадрият, деб билмоқдалар. Ёшликка бундай қараш кенг ижтимоий тафаккур тамойилларидан бирига айланса, бунинг самараси ҳам бошқача бўлади.

Мамнуният билан таъкидлагимиз келадики, ёшларимизнинг катта қисми ўзини она Ватан, унинг келажаги олдидаги масъулиятини теран ҳис этган ҳолда яшаб, камол топяпти. Истиқлол даврида вояга етган, ўзини таниган янги авлоднинг кўпгина вакиллари бор куч-ғайрати, истеъдоди ва имкониятларини ҳар жабҳада ёрқин намоён этиб, ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар. Масалан, бугун шундай спортчиларимиз пайдо бўлдики, уларга дунё тан бермоқда. Бугун ўзбек қурашининг тарғиботчилари бўлган ёш ўзбек полвонлари маҳоратини кўришга «манаман» деган давлатларнинг спорт ишқибозлари илҳақ. Бугун мамлакат иқтисодиётини ўзгартираётган тадбиркор ва ташаббускор шахслар орасида ҳам ёшлар салмоқли ўрин тутади. Бугун ўзбек ёшлари орасида шундай рассомлар, ҳунармандлар борки, уларнинг асарлари халқаро кўргазмаларни безамоқда. Дунёнинг энг нуфузли музейлари уларга харидор бўлмоқда. Бугун шундай ёш санъаткорларимиз борки, улар ўзбек санъатини ва ижрочилик мактабини жаҳонга олиб чиқяпти. Буларнинг ҳаммасига мустақил Ватан ғамхўрлиги, Президентимизнинг буюк эътибори, Истиқлолнинг тенгсиз шароити сабаб.

(Давоми 2-бетда).

ЧОРАК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасида 2001 йилнинг I-чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, республикадаги вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бошқарди.

Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Р.Азимов ўз маърузасида республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулот 102,8 фоизга ўсгани, саноат маҳсулоти, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш, чакана савдо айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми ошганини қайд этди. Давлат бюджетининг барқарорлиги ва инфляция даражасининг пасайиши таъминланди. Тижорат банкларининг жами активлари ва сармояси, аҳолининг банк омонатларидаги маблағлари кўпайиб бормоқда. Хўжалик субъектларининг тўлов интизоми мустаҳкамланди. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камайди, зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони қисқарди. Ҳисобот даврида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида 5,4 миллиард сўм маблағ келиб тушди. Бу ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 1,7 марта кўпдир. Ташқи савдо айланмаси 4,9 фоизга ошди, ташқи савдода ижобий сальдога эришилди. Аҳолининг даромадлари кўпайиб, турмуш даражаси ўсиб бормоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикадаги бозор ислоҳотларининг асосси бўлган кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни, биринчи навбатда тадбиркорларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини яратиш орқали ривожлантириш соҳасида белгилаб берган вазифалар ижроси танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.

Қонунлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинганига қарамай, республиканинг барча ҳудудларида, айниқса, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида давлат идоралари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиш давом этаётгани муроса қилиб бўлмайдиган ҳол экани қайд этилди.

Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан Тошкент вилояти бўйича тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилишига оид 19 мингта ҳолат тўғрисида кўрсатма берилган. Шундан 2 мингта ҳолат вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг мансабдор шахслари томонидан содир этилган. Бу кўрсаткич Фарғона вилоятида тегишли равишда 5,5 минг ва 1,8 минг, Самарқанд вилоятида — 5,6 минг ва 4 минг, Сурхондарё вилоятида — 7,8 минг ва 6,6 мингни ташкил этади. Адлия бошқармалари тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда етарлича қатъият кўрсатмаяпти. Тартиббузарликлар аниқланган бўлишига қарамасдан, биринчи чоракда Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида биронта ташкилот ёки назорат органлари ходими маънавий ва моддий жавобгарликка тортилмаган. Тошкент шаҳри, Наманган ва Хоразм вилоятларида аниқланган камчиликлар бўйича судга даъво аризалари тақдим этишда етарлича фаоллик кўрсатилмаяпти.

Суд қарорлари ижросини ташкил этиш қониқарсиз аҳволда. 2000 йилда республика бўйича 1493 миллион сўмлик 829 та қондирилган даъво аризасидан 1 апрел ҳолатига кўра 299,6 миллион сўмлик 230 та даъво аризаси ижро этилган, холос.

Ҳукумат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди. «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги бош директори Ў. Холмуҳамедов, молия вазири М.Нурмуродовнинг ҳисоботи тингланди. Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари, Шаҳрихон, Қоракўл, Ғиждувон, Нарпай, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл туманлари, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Марғилон шаҳарлари ҳокимликларининг коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни амалга ошириш, уй-жой эгалари ширкатлари ва муқобил уй-жой коммунал хизмат корхоналарини тузиш, кўрсатилган хизматлар учун қарздорликни камайтириш, уй-жой фондларини сув ва газ ҳисоблаш асбоблари билан жиҳозлаш, 1991 йилгача қурилган кўп хонадонли уйларни капитал таъмирлаш борасидаги фаолияти кескин танқид қилинди.

Жойлардаги давлат ҳокимлик органлари ўз вақтида ва сифатли коммунал хизмат кўрсатишни таъминлаш, уй-жой фондини сақлаш ва кўрсатилган коммунал хизматлар ҳаражатларини қоплаш учун жамоавий жавобгарлик тизимини яратиш бўйича масъул эканликларини англаб етмаяптилар. Кўпгина ҳудудларда коммунал хизмат кўрсатишдаги ислоҳотларга расмиятчилик билан қаралмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини хусусийлаштириш жараёни ўта суст амалга оширилмоқда. Фақат 409 та (38 фоиз) ширкатда капитал таъмирлаш учун маблағ тўпланадиган депозит ҳисоб рақамлари очилган, Уларда 27,4 миллион сўм маблағ жамғарилган. Кўпчилик кўп хонадонли уйлар ялпи капитал таъмирлашга муҳтож. Аҳолининг коммунал хизматлар учун қарзлари нафақат юқорилигича сақланиб қолмоқда, балки янада кўпаймоқда. Энг катта қарздорлик Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Тошкент, Наманган, Андижон ва Сирдарё вилоятларида вужудга келган.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

Осиё тараққиёт банкининг янги лойиҳаси

Банк-молия академиясида Марказий Осиё мамлакатларида электр узатиш тизимини замонавийлаштириш имкониятларини ўрганишга доир уч кунлик минтақавий семинар бошланди

Семинар Осиё тараққиёт ва тикланиш банкининг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда электр узатиш тизимларини янгилашга қаратилган янги лойиҳаси доирасида ўтказилмоқда.

Тадбирда Осиё тараққиёт банки штаб-квартираси ва унинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, лойиҳада қатнашаётган давлатларнинг энергетика идоралари раҳбарлари ҳамда мутахассислари, шунингдек, Германиянинг Fichtner /Энергия/ компанияси экспертлари иштирок этмоқда.

Семинардан кўзланган мақсад — лойиҳани тайёрлашнинг техник, стратегик ва институционал масалалари бўйича маслаҳатлашиб олишдан иборат. Шунингдек, иштирокчилар электр узатиш соҳасида минтақавий ҳамкорлик истиқболларини ҳам аниқлаб олишади.

(ЎзА) .

Мижозлар буюртмаси асосида

Қўқондаги «Мастона» ҳиссадорлик жамияти россиялик мижозлар буюртмаси асосида маҳсулот тайёрлашга киришди. Томонлар келишувига кўра жорий йилнинг ўзида уларга 100 минг декалитр вино маҳсулотлари етказиб берилади.

Яқинда ҳиссадорлик жамияти Россия Федерациясининг Владимир шаҳрида бўлиб ўтган «Вино-шарбат-2001» кўргазмасида ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Соҳа мутахассислари Фарғона водийси токзорларида етиштирилган узумлардан тайёрланган виноларга юқори баҳо бериб, олтин медал билан тақдирлади.

(ЎзА).

Соғлом бола — соғлом келажак

Ўзбекистон Республикаси Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Соғлом она-соғлом бола-соғлом келажак» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтган тадбирда мустақил юртимизда она ва бола саломатлиги ва манфаатларини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолгани, 2001 йил Президентимиз томонидан Оналар ва болалар йили деб эълон қилингани бунинг яққол далили экани таъкидланди.

(ЎзА).

Долзарб мавзу

Маҳалла оқсоқоли

уни танлаш кўп жиҳатдан сайловчига боғлиқ

Маълумки, шу йилнинг май-июн ойларида Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтади. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Шуҳрат ЖАЛИЛОВнинг ана шу жараён ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Мамлакатимизда маҳалла, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бундан икки ярим йил олдин, яъни 1998 йилнинг ноябр-декабр ойларида ўтказилган эди. Ушбу сайловга фуқароларимизнинг қизиқиши катта бўлганлигини республика аҳолисининг 70 фоизи иштирок этганидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Шундан буён ўтган муддатда маҳалла, фуқаролар йиғинлари фаолиятида янгиликлар, воқеалар юз берди. Хусусан, давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига астасекин, босқичма-босқич ўтказа бориш борасидаги дастурни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш йўлида залворли одим ташланди. Раис ҳамда масъул котибларга маҳаллий бюджетдан маош ажратилди, фуқароларнинг таклифлари асосида белгиланган тартибда 500 та ва ундан ортиқ оиладан иборат ҳудудларда ойлик билан таъминланадиган маҳалла фуқаролари йиғинлари, айни вақтда, аҳолиси кам бўлган тоғли, узоқ масофалардаги қишлоқ жойларда жамоатчилик асосида ишлайдиган фуқаролар йиғинлари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда республикамизда ўн мингтага яқин маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари иш олиб бораяпти.

(Давоми 2-бетда).

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Миллий ғоя — бизнинг ғоя»

Фарғонада «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзуида республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Республика Байналмилал маданият маркази, вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилган анжуманда истиқлол йилларида халқимиз тафаккуридаги ўзгаришлар, миллий онг ва миллий ғоянинг ривожланиши, таркиб топиши масалалари тўғрисида очиқ мулоқот бўлди.

Ўзимизники...

Савдо дўконларида бирбиридан мазали, чиройли қадоқланган «Пикник», «Петибўр», «Коко Ваферс» сингари ширинликларни кўриб хорижники, деб ўйламанг. Ўзимизники! Ў «УФУК КоЛТД» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу корхона Россияда бўлиб ўтган «Озиқ-овқат бозори — 2000» халқаро кўргазмасида ҳам муваффақиятли қатнашиб, фахрли диплом билан тақдирланди.

Хотира боғи

Зомин тумани марказида «Хотира боғи» барпо этилмоқда. Ҳашар йўли билан бунёд этилаётган ушбу мажмуага каттаю кичик ўз улушини қўшаётир. Бешюз қишлоғи оқсоқоллари Абдурайим Оққулов, Абдусамад Ёрлонов, Абдусалом Хидиров ва Абдухолиқ Абдураззоқовлар мажмуа қурилишига ўз пенсияларидан 3-5 минг сўмдан маблағ ажратдилар.

Ёшлар камоли

Тошкент Молия институтида «Соғлом авлод — жамият равнақи мезони» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Институт хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбир «Оналар ва болалар йили»га бағишланди.

—Мақсадимиз, ёшларимизни замонга мос камол топишига ҳисса қўшиш, — дейди институт хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Асатуллаева.

Анжуман қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтди.

Қоровулбозор туманида саноат йўналишига ихтисослашган коллеж қурилмоқда. Уни «Бухоросувқурилиш» трести қурувчилари бунёд этишаётир. Мақсад — ушбу маскан қурилишини мустақилликнинг 10 йиллигига тугаллаш.

СУРАТДА: монтажчи Болта Мўминов.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Чернобил ҳалокати ёдга олинди

Маълумки, бундан 15 йил муқаддам Украинанинг Чернобил атом электр станциясида ҳалокат рўй берган эди. Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, фожеа оқибатлари ҳамон ўз таъсирини кўрсатмоқда. Украина ва Белорус ҳамда Россиянинг 3 миллионга яқин аҳолиси бундан азият чекмоқда. Ушбу фалокат шу вақтгача 30 мингдан ортиқ кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди. Хабарларга қараганда, кеча Москвада айни масалага бағишланган анжуман бўлиб ўтган. Унда Кремлнинг қатор мулозимлари иштирок этишди.

Эстрада яна сўроқ бермоқда

Бундан бир муддат олдин ғаров эвазига озод этилган Филиппин собиқ Президенти Жозеф Эстрада яна ҳибсда туриб сўроқ бермоқда. Уни коррупция ва давлат мулкини ўғирлашда айблямоқдалар. Маълум бўлишича, собиқ Президент ўз фаолияти даврида 82 миллион АҚШ доллари миқдоридаги пулни ўзлаштирган эмиш.

Филиппин суди намояндаларининг уқтиришича, унга ўлим жазоси тайинланиши мумкин. Бироқ Жозеф Эстрада ўзига қўйилган барча айбларни инкор қилмоқда.

Қоҳира учрашуви самара берармикин?

Яқин Шарқдаги таҳликали вазият давом этмоқда. Кеча Ғазо секторининг Миср билан чегара ҳудудида жойлашган Рафоқ қишлоғида кучли портлаш юз берди. Оқибатда тўрт нафар фуқаро ҳалок бўлган. Маҳаллий полиция бошлиғи ўринбосарининг айтишича, ҳалок бўлганларнинг барчаси полиция ходимлари бўлган. Хабарларга қараганда, яна икки кундан кейин Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес Миср раҳбари Ҳусни Муборак билан минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш масаласида Қоҳирада мулоқот ўтказади.

Сўнгги сонияларда...

Коидзуми — Япония Бош вазири

Кеча Японияда ҳукмрон Либерал-демократик партия етакчиси Дзюнитиро Коидзуми мамлакат Бош вазири этиб сайланди. Кузатувчилар ушбу сайлов арафасида собиқ Бош вазир Р.Хасимотанинг олдин ана шу лавозимда ишлагани ва бундан олти йил муқаддам партия етакчилиги учун бўлган курашда айнан Д.Коидзуми устидан ғалаба қозонганлигини назарда тутиб, унинг имкониятлари катта дея башорат қилишган эди. Бироқ башорат башоратлигича қолди. Хабарларга қараганда, Д.Коидзумини Япония парламенти қуйи палатасининг 287 нафар депутати қўллаб-қувватлаган. Мамлакат қонун чиқарувчи органининг юқори палатаси эса депутатларнинг мазкур қарорини тасдиқлагач, у Бош вазир курсисига ўтирди. Ва, Иосиро Мори бошчилигидаги ҳукумат шу куниёқ истеъфога чиқди.

(Давоми 3-бетда).

Олий Мажлис сессияси олдидан

Ёшларни бирлаштирган ташаббус

Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 11 май куни Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси ўз ишини бошлайди. Хўш, парламентимиз Ёшлар ишлари қўмитасининг олдинги сессиядан буён ўтган давр мобайнидаги фаолияти қандай бўлди?

Қўмита раиси Азамат Зиёнинг айтишига қараганда, икки сессия оралиғида олиб борилган ишларни уч йўналишга бўлиш мумкин: қонунчилик фаолияти, назорат-тафтиш ва амалий тадбирлар. Ана шу учта йўналиш бўйича ҳам самарали ишлар амалга оширилган.

Қўмитанинг қонунчилик фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, 1991 йилда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири устида қизғин иш жараёни кечаётганини сезиш қийин эмас. Вақт ўтиши, давр ўзгариши билан мавжуд қонунларнинг қайта тайёрланиши, қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши табиий ҳол, албатта. Масалага шу жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, янги аср бошида ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосини қайта шакллантириш эҳтиёж тақозосидир.

Январ ойида амалдаги мазкур қонуннинг Наманган вилоятидаги ижроси қўмита ишчи гуруҳи томонидан ўрганилди. Таъкидлаш жоизки, бу борада ҳам қўмита фаолиятида жонланиш сезилади, янгича ишлашга интилиш кўзга ташланади. Аввалари бирор қонуннинг ижросини ўрганиш учун тегишли жойга саволномалар тузиб юборилар эди. Жойлардаги мутасаддилар эса ана шу саволларга биноан маълумотнома тайёрлашарди. Айни кунда бундай ҳолларга чек қўйилган. Эндиликда қонунлар ижроси бевосита амалий шароитда ўрганилиб, камчиликлар чуқур таҳлил этилаётир.

Қўмитанинг ташаббускорлигидан ҳам бошқалар ўрнак олса арзигулик. Жумладан, бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзган мактаб ўқувчиларининг "Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақаларини олинг. Қўмитанинг ташаббуси билан кўпгина ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу тадбир ёшларнинг ҳар томонлама соғлом вояга етишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. "Олимпиада умидлари"нинг 9000 мингдан ортиқ мактаб ўқувчиларини бирлаштиргани, уларни шижоату матонатга, ватанпарварликка ундагани унинг нечоғли аҳамият касб этаётганидан далолатдир.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб ёш ижодкорлар ўртасида ташкил этилган "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?" кўрик-танловини уюштиришда ҳам қўмита ташаббус кўрсатди. Унда 20 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор ҳайкалтарошлар, мой-бўёқ ва графика ихлосмандлари қатнашишаяпти. Танлов ғолиблари учун пул мукофотлари таъсис этилган. Шунингдек, қўмита аъзолари миллий видео-клиплар кўрик-танловини ўтказишда ҳам бевосита иштирок этишаяпти. Бир сўз билан айтганда, қўмита нафақат ёшларнинг манфаатлари, муаммолари билан боғлиқ қонунчилик фаолияти, балки амалий тадбирларни рўёбга чиқаришга ҳам астойдил киришган.

О.РАЖАБОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида ғалла ўрим-йиғимига ҳозирлик кўриш ва техникаларни мавсумга тайёрлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ЎРИМ ТЕХНИКАСИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

Йиғилишда ғалла ўрими ва техника воситаларини мавсумга шайлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётгани таъкидланди. Аммо бу муҳим тадбирга ҳамон эскича қараш, камчиликлардан кўз юмиш, номига ҳисобот беришдек номаъқул ҳоллар ҳам учраб турибди. Масалан, вилоятдаги мавжуд 182 та «Кейс» комбайнининг 21 таси ҳануз мавсумга тайёр эмас. Тайёр деб далага буриб қўйилган комбайнларда носозликлар аниқланмоқда. Айниқса, Муборак, Баҳористон, Усмон Юсупов, Ғузор туманларида ўрим техникаларини мавсумга тайёрлашда жиддий нуқсонлар мавжуд.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиб, ғаллазорларда етиштирилган мўл ҳосилни ўз вақтида, исроф қилмасдан йиғиштириб олиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

(ЎзА).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маҳаллалар, фуқаролар йиғинларининг бугунги фаолияти жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти хусусида гапириш мумкин. Лекин улар учун муҳим палла, яъни сайловга тайёргарлик кўриш жараёни олдида турган эканмиз, ижобий ишлар билан бирга қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигига, олдинда масъулиятли, долзарб вазифалар турганлигига кўпроқ эътиборни қаратишни лозим топдик. Энг катта камчилик шундаки, ҳамма маҳалла фаолларини ҳам яратиб берилган имкониятлардан тўлиқ фойдалана олояптилар, деб бўлмайди. Бунинг устига очиқ айтиш керакки, туман, шаҳар ҳокимлари маҳалла вакилларига бошқарув ваколатини беришга унчалик шошилмаётирлар. Кўпчилик маҳалла оқсоқоллари ташкилотчилик, тўй-ҳашамларга бош-қош бўлиш, хўжалик ишлари билан кўпроқ ўралашиб қолаётганлари натижасида асосий вазифалари — ўзини ўзи бошқариш масалалари устида камроқ бош қотираётганлари ҳам сир эмас. Шунингдек, маҳаллаларнинг меҳр-мурувват, маънавий-маърифий тарбия, ёшлар, хотин-қизлар билан ишлаш, жиноятчилик, қонун ва тартиббузарликларнинг олдини олиш, гиёҳвандликка чек қўйиш, диний экстремизм оқимларига қарши кураш, таблиғларнинг ривожлантириш борасидаги ишларини ҳам мукаммал, қониқарли, деб бўлмайди.

Маҳалла оқсоқоли

Шу ўринда бундай камчилик ва муаммолар қаердан келиб чиқаяпти ва асосан, нималарга боғлиқ, деган савол туғилиши табиий. Бизнингча, буларнинг асосий сабабларидан бири қатор туман, шаҳар, вилоятларда ўзини ўзи бошқариш органларини бошқараётган раҳбарларнинг, соҳа мутасаддиларининг янги шароитда ишлашга тайёр эмасликлари, тажриба ва билимлари етишмаётгани, эски қўникмалардан воз кечолмаётганликларидадир.

Модомики шундай экан, республикамизда олий тоифадаги жамоатчи кадрларни ўқитиш, тайёрлаш тизимини шакллантириш керак. Афсуски «Маҳалла» жамғармаси қошида ташкил этилган «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий марказининг бу соҳадаги фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди. Назаримда, масалага бугунги оқсоқол қандай бўлиши керак, деган нуқтаи назар билан қарашимиз керак. Жамоат ишлари, ўзини ўзи бошқариш органи моҳиятини теран англайдиган, миллий ҳамда умуминсоний анъаналарни, қадриятларни яхши биладиган, назарий билимларни ҳаётга сингдира оладиган, халқнинг кўнглини топиб, уни ўзининг ортидан эргаштира оладиган жамоатчи кадрларни тарбиялаш ҳозирги асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Жамоат ишининг ўзига хос хусусияти ва талаби шундаки, у раҳбарми, оқсоқол ёки маслаҳатчими муайян касб ва билим эгаси бўлиш билан бирга ташкилотчи, миллий қадриятларни эъзозлайдиган, ватанпарвар, баркамол инсон бўлиши, шахсий манфаатини халқ манфаати билан қўшиб олиб борувчи, бағри кенг, холис, меҳри дарё, чин инсон бўлиши ҳам қарз, ҳам фарз. Малакали кадрлар тайёрлаш учун шароитларни яратиб бериш, уларга таълим берадиган, малакасини оширадиган устозларни тарбиялаш масаласини ҳал этиш муҳим.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, маҳалла раислиги ва маслаҳатчилигига номзодлар танлаш масаласига жуда катта масъулият билан қарашимиз лозим.

Сайловни пухта ташкил этиш ва ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси иштирокида жамоатчилик фикрига таянган ҳолда намунавий Низом ишлаб чиқилди. Ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига раис ва раис маслаҳатчиларини сайлаш тадбирларини қонун талаблари асосида ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш, шунингдек, маҳалла, фуқаролар йиғинига амалий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг сайловда қатнашишини таъминлаш ва кўмаклашиш мақсадида комиссия тузилади. Шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек, шаҳар, қўрғон, қишлоқ ва овул маҳаллаларига бўладиган сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилади. Бу тузилмалар, энг аввало, сайловларни эркин, демократик талаблар асосида ўтишини таъминласа, иккинчидан сайланадиган раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига тавсия этиладиган номзодларнинг холис, ошкоралик асосида, халқ оммасининг иштирокида танланишига ёрдам беради.

Маҳалланг — ота-онанг, деб бежиз айтишмайди. Оилани ота-онадан яхшироқ биладиган киши йўқ. Маҳаллани ҳам катта оила деб атасак, унинг аҳолисини — фуқароларининг қизиқишлари, манфаатлари ва муаммоларини тўла-тўкис биладиган, маҳалланинг қозонида қайнаган оқсоқол бўлса, нур устига аъло нурдир.

Расул РАҲМОНОВ
ёзиб олди.

САФАРБАР АВЛОД

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёшлик — умр баҳори. Табиатда баҳорнинг бошланиши бутун йилнинг мазмун-моҳиятини олдиндан белгилаганидек, ёшлик ҳам — инсон умрининг кейин қандай кечишини ҳал этади. Ёшликни инсоний шаклланиш, камолотга интилиш босқичи деб билган, кўнгил торлари юксак орзу-мақсадлар, жамиятнинг олий режаларига ҳамнафас садо бериб турган, ўзларини она юрт равнақи, халқ бахт-саодати учун фидойи, улуғ ишларга сафарбар авлод деб билган ёшларимиз, чиндан ҳам кўп ва бундай ёшлар бор экан, келажагимиз уфқлари ҳам нурафшондир.

Мамлакатимизнинг кекса авлодлари нималарни бошидан кечирмади. Бу кекса авлодларнинг ёшлиги қандай синовларга дуч келди! XX аср бошида рўй берган миллий уйғониш муҳити қандай ажойиб ўзбек ёшларини майдонга олиб чиққан эди. Улар халқимизнинг илғор, фозил фарзандлари бўлиб етишиш ниятида чет элларга бориб ўқиб, ўз шахсиятларига Оврўпонинг маданиятини сингдириб қайтган, ғайратли кишилар эди. Аммо аср бошларидаги ёшларимизнинг айни шу шижоати миллатлар равнақига беписанд қизил империянинг таъбига тўғри келмади. Порлоқ орзу-мақсад билан ҳаётини бошлаган ёшлар «чет эл агенти» деб ҳибсга олинди, ёш умрлари хазон қилинди. Собиқ шўро тузуми миллий ёшлар равнақига ана шундай шафқатсиз муносабатда бўлди. Яқин ўтмишнинг ачинарли бу воқеаларини унутишга асло ҳақимиз йўқ.

Бугун Ўзбекистон — мустақил. Янги Ўзбекистон давлати, ўз тақдирини қўлга олган заҳматкаш халқимиз озод ва обод келажак сари интилмоқда. Келажагимизни эса биз ёшлар камолотисиз тасаввур эта олмаймиз. Худди шу мақсадда мамлакатда Президентимиз ташаббуси ва ғоялари негизида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури олам юзини кўрди. Кеча ёшларга замон тескари бўлган бўлса, бугун замоннинг ўзи ёшларнинг йўлини қўёшдек ёритиб турибди. Ҳозирги ёшлардаги янгича онг, янгича маънавият, янги орзу-мақсадлар ана шу қуёш ҳароратларида кўкармоқда. Бундай саодатли шароитни ёшларимиз чуқур қадрлашлари лозим.

Президентимизнинг Ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсис қурултойи қатнашчиларига йўллаган табригида айтилганидек, **«... ёруғ истиқболга эришиш ҳеч қачон, ҳеч бир халқ, ҳеч бир миллат учун осон ва енгил бўлмаган. Улар ана шу эзгу мақсадларга кўп-кўп оғир синовлар, ёвуз хатти-ҳаракатларни, тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтиб, шижоат ва мардлик, метин ирода, мустаҳкам иймон-эътиқодни намоён этиб, қатъият билан курашиш туфайли эришган».**

Мана шундай синовлар мустақилликнинг ўтган ўн йили мобайнида Ўзбекистон ёшларининг бошига ҳам тушди. Ҳаётий тажрибасиз, дунёқараши аниқ шаклланмаган бир қисм ёшлар ташқи ва ички экстремистик кучларнинг ғаразли таргиботи домига тушиб қолдилар. Бунинг оқибати шу бўлдики, улар ҳаётда боши берк кўчаларга кириб қолишди. Ўзларининг ҳам, оила аъзоларининг ҳам эл олдида юзлари шувут бўлишига олиб келди. Шуни унутмайликки, жаҳолат, аҳмоқлик — инсонни доимо инқирозга, ҳалокатга олиб келган. Ва аксинча, ватан ҳамда жамият билан якдиллик, маърифат, илм-ҳунар, замонавий касб ва мутахассисликларни эгаллаш — тараққиёт, жумладан, ёшларимиз камолотининг бош йўлидир.

XXI асрни юксак техника ва технология, интеллектуал тараққиёт асри бўлади, деб умид қилаяпмиз. Бу ҳам ёшларга боғлиқ.

Мустақил Ўзбекистонда ёшлар учун, уларнинг ҳар томонлама равнақ топиши учун, чиндан ҳам, барча имкониятлар яратилмоқда. Бироқ, қарс икки қўлдан чиқади, деган нақл бор. Ёшлар камолотига давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик бевосита жамият, халқимизнинг ўзи томонидан ҳам чуқур ҳис қилиниши, қўллаб-қувватланмоғи зарур. Ёшлар тарбиясида давлат ва жамиятнинг ҳамкорлиги кўп нарсани ҳал этади. Бундай тарбияда айниқса, оиланинг, ота-оналарнинг, маҳалланинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки болалар тарбиясида оила, маҳалла катта ўрин тутади. Ана шу дастлабки нуқталарда ёшлар тарбияси кўнгилдагидек бўлса, ёшларнинг адашуви, уларнинг шубҳали таъсирларга берилишига ҳам асос камаяди. Бугун мактабдан қочиб, бозорларда чой-сув сотиб, арава суриб, кўчаларда машина ювиб, ёш умрини беҳуда ўтказаётган болалар ҳам — оилаларда, маҳаллаларда, даҳаларда яшайди. Ва бундан ота-оналарни бехабар деб бўлмайди.

Маълумотлардан биламизки, ривожланган давлатларда эришилаётган ютуқларнинг энг муҳим омилларидан бири — болаларни оиладаёқ замон талабларига мос равишда тарбиялашнинг қатъий йўлга қўйилганлигидадир. Биз ҳам болалар тарбиясида шундай замонавий онглилик даражасига кўтарилишимиз керак.

Юртнинг ёруғ ва буюк келажагини таъмин этадиган ёшлар ҳозирги Ўзбекистонда кўплаб топилади. Улар бугун тиришқоқлик кўрсатиб, ўрта-махсус ва олий ўқув юртларида ҳамда чет элларнинг нуфузли таълим марказларида илм-фан ва мутахассислик сирларини қунт билан ўзлаштирмоқдалар. Далаларда ва корхоналарда меҳнат қилмоқдалар. Бундай ёшлар бор экан, тараққиётимизнинг юки ерда қолмайди. Бу ёшларга назар солган кишининг ёрқин келажагимизга бўлган ишончи ҳам янада мустаҳкамланади.

М.САФАРОВ.

Божхона бекати

Эгри йўлдаги эгриликлар

Тошкент вилоятидаги «Ғиштқўприк» божхона комплекси ходимлари сўқмоқ йўллар билан қўшни давлатга чиқиб кетишга ҳаракат қилган автомашинани тўхатишди. Ҳайдовчи бекорга эгри йўлга бурилмаган экан. Машинанинг юкхонаси кўздан кечирилганда қарийб бир ярим миллион сўмлик — 85 бош қўй-эчки бор эди. Маълум бўлдики, Деҳқонобод туманида яшовчи Ўткир Жўраев чорва молларини рухсатсиз қўшни давлатларга олиб ўтиш мумкин эмаслигини била туриб, жиноий шериги Анорбой Аспанов билан Қозоғистон томон йўл олган экан...

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси божхоначилари эса хадсиз-худудсиз Устюрт текислигининг бир четидаги ўғринча йўл билан Қозоғистон сари бераётган «КамАЗ»ни тўхтатишди. Унга 7 бош туя юкланган экан. «Мол эгалари» — қозоғистонлик фуқаролар айни пайтда тергов қилинмоқда.

А.ТИЛОВОВ.

Ўзбек либослари кўриги

«Интерконтинентал» меҳмонхонасининг «Амир Темур» залида ўзбек модельерлари ўртасида аёллар, эркаклар, ўсмирлар ва болалар либослари номинациялари бўйича ўтказилган «Шарқ Ғарбга йўл олди» танлови ғолибларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Либосларда Шарқ ва Ғарб анъаналари ажойиб тарзда уйғунлашгани модельерларимизнинг бой фантазияси ҳамда юксак маҳоратидан далолат беради. 8 нафар модельер жорий йилнинг июл ойида Германияда бўладиган модалар фестивалига йўлланмани қўлга киритди. Шуни қайд этиш зарурки, айнан Германия ўзбек миллий либосларини Европа бозорларига чиқариш лойиҳасининг ташаббускори ҳисобланади. Лойиҳа Германия техникавий ҳамкорлик жамияти томонидан амалга оширилди. Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи давлатлардан бири бўлгани ҳолда табиий газламадан тикилган либослар моделларини яратишда ҳам улкан ютуқларга эришса ажаб эмас.

Германия техникавий ҳамкорлик жамияти мувофиқлаштирувчиси ва «Шарқ Ғарбга йўл олди» лойиҳаси раҳбари Михаел Герлих мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— «Экспортни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳасида янги тикувчилик корхоналарини ривожлантириш ва бутунлай янги турдаги либосларни яратувчиларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Талабчан модельерлар ва дизайнерларнинг фикрича янги либослар яратишда сезиларли ютуққа эришилди. Уларни Европа бозорига чиқариш эса бу ютуқни мустаҳкамлашга уринишдир. Танлов иштирокчилари янги бозорларни ўзлаштириш ва ўз маҳсулотларини намойиш этиш, ишлаб чиқарувчи фирмалар билан шартномалар тузиш ва айни пайтда европалик истеъмолчиларда ўз коллекцияларига қизиқиш уйғотиш ниятида эканликларини баён қилишди. Шарқона усулда яратилган либосларимиз чет элликларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

(ЎзА).

Истиқлол: курашлар, изтироблар, қувончлар

Тез кунларда халқимиз тарихида энг муқаддас сана — мустақиллигимизнинг 10 йиллиги нишонланади. Бундай кунларда ортга бир назар солиш, босиб ўтилган йўлларни таҳлил этиш одат тусига кирган. Чунки давр ўтган сари эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиш, йўл қўйилган хатоларни таҳлил этиш ва улардан чиқарилган сабоқ юрт истиқболи, халқ, миллат келажагини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

«Мустақил бўлсанг — мустақил бўл,

Ҳа, мустақиллик даврида ёш давлатимиз, унга қудрат бергувчи заҳматкаш халқимиз давлат ва жамият қурилишининг турли жабҳаларида беқиёс ютуқларни қўлга киритганлигини ғурур билан таъкидлаб ўтиш мумкин. Дунё харитасида янги, ўз овозига, ўз ўрнига эга бўлган мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлганини ҳозир ҳеч ким, ҳатто ғанимларимиз ҳам инкор эта олмайди. Ўтган давр ичида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда эришилган ютуқларимизнинг энг биринчи, энг асосий омили — бу мамлакатимизда ўрнатилган тинчлик-хотиржамлик, миллатлараро тотувлик, мамлакат хавфсизлигини сақлаш борасидаги чора-тадбирлар бўлди, деб ишонч билан айта оламиз. Чунки фақат тинчлик бўлган мамлакатдагина сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш мумкинлигини узоқ кишилик тарихи ҳам, бизнинг ўтган кунларимиз ҳам исбот қилиб турибди. Аммо мустақилликнинг асл моҳиятини тушуниш, унинг қадрига етиш учун ҳозирги кунда фақат ютуқларимиз тўғрисида ғапириш кифоя қилмайди. Мустақилликка қонсиз, қурбонларсиз эришган бўлсакда, айтиш жоизки, мустақилликнинг юки оғир. Уни кўтара олиш, сақлаб қолиш нақадар оғирлигини қўшниларимизнинг мисоли исбот этиб турибди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сарҳадлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилишда бошқа давлат қуролли кучларига муҳтож мамлакатларнинг тўла мустақиллиги ҳақида гапириш мумкинми?

Ўзбекистонни ўз таъсири доирасига киритишни истаган ва бунинг учун барча найрангларни, қоларверса, ҳарбий кучни ҳам ишлатишга тайёр бўлган кучлар қуршовида Ватанимизнинг мустақиллигини сақлаш учун беҳисоб қийинчиликлар, изтиробларни бошдан кечиришга тўғри келди. Айниқса, ҳозирги кунларда бутун жаҳондаги энг таҳликали минтақалардан бири бўлган бизнинг минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун қанчалик оқилона сиёсат юргизиш кераклигини, сабот ва матонат зарурлигини ҳаётнинг ўзи исбот қилиб турибди.

«Мустақил бўлсанг — мустақил бўл! Давлат бўлсанг — давлат бўл!». Президентимиз айтган бу сўзлар унинг мамлакатимиз тақдири, келажаги ҳақидаги ташвишли ўйларининг қисқа ва маъноли ифодаси бўлди, десак янглишмаймиз. Бу иборада мустақилликнинг эълон қилиш билан кифояланиб бўлмаслиги, уни сақлай билиш, бунинг учун эса ўз халқини ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қила олиш, унинг тинч-тотув яшашига имконият яратиш, ўз сарҳадларини ҳимоя қилиш, мудофаа қудратини таъминлаш зарур эканлиги ҳақидаги фикр мужассам бўлган.

Яқинда Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган халқаро анжуманларнинг бирида америкалик сиёсатшунос олим Глеб Ховард Ўрта Осиё давлатларининг ичида фақат Ўзбекистонгина ўзининг чегараларини турли экстремистик ҳуружлардан ҳимоя қилишга қодир бўлган ягона давлат эканлигини таъкидлади. Аслида, унинг сўзлари турли давлат раҳбарлари ва сиёсатшуносларнинг умумий фикрининг ифодаси ҳамдир.

Президентимизнинг узоқни кўзлаб, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан мудофаа масалаларига катта аҳамият бергани ва бу аслида ҳозирги кундаги мамлакат тинчлигининг гарови бўлганлигини тушуниб етиш қийин эмас. Ўша вақтларда мустақилликка эришган қўшни давлатлар ўз йигитларини ҳарбий хизматга чақирсаларда, уларнинг ҳарбий хизматни ўташи учун тайёр гарнизон, қурол-аслаҳа, ҳарбий техника йўқлиги, ҳаттоки аскарлар оддий ётоқ билан таъминланмаганлиги сабабли ҳарбий билетларига гўёки хизматда деб муҳр босиб, бир-икки ой уйда кўринмаслик шарти билан қўйиб юборилганлиги маълум. Бундан ташқари қўшниларимиз шўролар даврида қолган техника ва қурол-яроқларни бир кунлик фойдани ўйлаб арзон баҳоларга ҳорижий мамлакатларга ёки турли фирма-ю компанияларга сотиб юбориб, танг аҳволда қолганлиги ўтган йилги экстремистик гуруҳларнинг ҳуружи пайтида яққол сезилиб қолди. Бунинг акси ўлароқ, маҳаллий ҳарбий кадрларни тайёрлаш доимо Юртбошимизнинг диққат марказида турган. Президент ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида ҳарбий мутахассисликларга йўналтирувчи лицейлар ташкил этилди, ғуролли кучлар академияси, Тошкент умумқўшин командирлиги, Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар, Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар, Жиззах ҳаво кучлари (авиация) олий ҳарбий билим юртлари, Тошкент алоқа-электротехника институтининг махсус факультети бир неча ҳарбий мутахассислик бўйича малакали зобит кадрлар тайёрлаб келмоқда. 1990 йилда маҳаллий зобитлар ҳарбий кадрларнинг бор-йўғи 0,6 фоизини ташкил қилган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 80 фоизга етганлиги амалга оширилган ишларнинг мевасидир.

Қисқа давр ичида бундай имкониятга эга бўлиш осон кечмади, албатта. Айтилган гапларимизнинг исботи сифатида ўн-ўн икки йил аввалги вазиятни эслаб ўтайлик. 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошларида ҳали Совет Иттифоқи мавжуд бўлган ва марказда қандай бўлмасин Иттифоқни сақлаб қолишга ҳаракат кетаётган бир вақтда бунинг энг кучли воситаларидан бири Шўро ҳарбий кучлари ҳисобланган эди. Ўша даврларда Иттифоқ бўйича энг кўп ҳарбийга чақириладиган йигитлар айни бизнинг Ўзбекистондан бўлганлиги кўпчиликка маълум. Ҳар йили бизнинг минтақамиздан 320 мингга яқин йигитлар Шўролар қуролли кучларига хизматга чақирилар эди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ўша даврларда ўзбек йигитлари нафақат ҳаётнинг бошқа жабҳаларида, балки қуролли кучлар сафида ҳам камситилар эди. Яъни йигитларимизнинг аксарият қисми ҳарбий хизматга чақирилиш баҳонасида қурилиш батальонларига жалб этилар эди. Улар икки йил давомида ҳарбий техникани кўрмай, қуролни бир марта бўлса ҳам қўлда тутмай, мардикорлик билан шуғулланиб қайтар эдилар.

Бу сиёсат аслида биринчи жаҳон уруши давридаги чор Россияси қўллаган мардикор олиш сиёсатининг давоми эди. Чор Россияси фақат уруш вақтида мардикорликка сафарбар этган бўлса, Шўролар давлати тинч даврда ҳам ҳарбий хизмат баҳонасида. йигитларимиздан текин ишчи кучи сифатида фойдаланиб келди. Бундай сиёсатни оқлаш мақсадида марказдагилар асоссиз баҳоналарни рўкач қилар эдилар. Масалан, «Наш современник» журналининг 1990 йил 6-сонида ўзбекларни ҳарбий-тарихий тажрибага эга бўлмаган миллат деб баҳоланишининг ўзи бизга бўлган муносабатнинг рўйи-рост, ошкора кўриниши эмасми! Ваҳоланки, Афғонистондаги урушга сафарбар қилинган аскарларнинг кўпчилигини ўзбек йигитлари ташкил этганлиги ҳақиқат-ку. Демак, уруш даврида ўзбеклар ҳарбий хизматга лойиқ эди-ю, тинч даврда фақат мардикорликка яроқли бўлибди-да? Бу ҳам Шўролар шовинистик сиёсатининг кўринишларидан бири эди.

Афғон уруши даврида энг кўп темир тобутлар Ўзбекистонга келган эди. Уруш, табиийки, қурбонсиз бўлмайди. Лекин ачинарлиси шундаки, афғон уруши тамом бўлса-да, тинч даврда ҳам Ўзбекистонга келаётган темир тобутларнинг оқими тўхтамади. Фақат 1989 йилнинг ўзида Ўзбекистонга 430 та тобутнинг келганлиги фикримизнинг далилидир. 90-йилларда ҳам бу даҳшатли жараён давом этди. Бу ҳақда ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов КПСС XXVIII съездининг (1990 йил июнда) минбаридан туриб, сўнгги ярим йилнинг ўзида 300 га яқин ўзбек хонадонига ҳарбийдан тобутлар келганлигини ошкора айтганида унинг гаплари бўҳтонга чиқарилган эди. Буни исботлаш мақсадида тузилган махсус комиссия «масалани ўрганиб», Ўзбекистон вакилининг 60 кишига янглишганлигини билдира олди, холос. Майли, шундай ҳам бўлсин. Аммо ўйлаб кўринг, тинч даврда 200 га яқин ўзбек хонадони «ўғлим эр йигит бўлди» деб энди кучга тўлган, орзу-умидлари бисёр ўғлонларини орзу-ҳавас билан ҳарбийга юбориб, кўп ўтмай уларнинг жасадини олганлиги ўша даврнинг энг даҳшатли ҳақиқати эмасми? Ҳатто, Косово урушида ҳам қурбонларнинг сони бунчалик кўп бўлмаган эди.

Устига устак, ўзларини демократия ҳимоячилари деб атаган «Эрк» ва «Бирлик»даги доҳийваччалар қурбонлардан сохта обрў орттириш йўлида фойдаланиб, уларни мусулмон одатларига кўра қабрга қўйиш ўрнига кўчамакўча кўтариб, одамларни хайрсиз курашга чорлагани дард устига чипқон бўлди. 1991 йил 21 январдаги «Эрк» газетасида эълон қилинган «Ўзбек халқига мурожаат»да ушбу сўзлар битилган эди: «Биз сизларни инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва келажак ҳимоясига даъват қиламиз! Биз сизларни чидаб бўлмас айрилиқ ва мусибатларнинг олдини олиш курашига чорлаймиз!» Аслида бу баландпарвоз сўзларнинг остида ҳимоясиз халқни тенгсиз курашга даъват яширинган эди. Ваҳоланки, ўша вақтларда Болтиқбўйи, Кавказорти давлатларида бу каби чиқишларнинг қурол билан бостирилганлиги, ҳисобсиз бегуноҳ қонлар тўкилганлиги ҳаммага аён эди. Ғаразли мақсадларида ҳар қандай фитна ва найранглардан тап тортмайдиган бундай кимсалар учун бегуноҳ қонларнинг тўкилиши арзимас нарса эди. Ҳали Иттифоқ тарқалиб улгурмаган бу таҳликали даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти қатъият билан масалани қон тўкмасдан, тинчлик билан ҳал қилиш йўлини тутди.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган бўлса-да, ҳали СССР Мудофаа вазирлиги ва унинг қуролли кучлари сақланиб турган бир пайтда, бундай кучга қарши тик бориш, «ўлган илоннинг бошини қўзғаш» оғир оқибатларга олиб келишини яхши тушунган Президентимиз ҳарбий соҳада ишни босқичма-босқич ҳал этиш йўлидан борди. 1991 йил 6 сентябр куни эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисидаги Президент Фармони бу йўлдаги биринчи қадам бўлди. Бу янгиликни «ҳазм қила олмаган» Кремл Ўзбекистон Президентига тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилди. СССР мудофаа вазири Е. Шапошников ғариодатий туюлган бу ҳолдан ҳавотирга тушиб Президентимизга телефон қилган пайтда Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазири этиб тайинланган Рустам Аҳмедов Президентимиз ҳузурида бўлган экан. Унинг хотирлашича, СССР мудофаа вазири Ислом Каримовга ғазаб билан: «Ислом Абдуғаниевич, биз билан маслаҳатлашмай Мудофаа ишлари вазирлиги жорий қилибсиз, вазир тайинлабсиз. Ўзингизни мустақил деб эълон қилган бўлсангиз-да, ҳали СССР деган қудратли давлат мавжуд. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Ҳатто Украина ҳам генерал Морозовни республика мудофаа вазири этиб тайинлаётганида биздан рухсат олган эди, — деб пўписа қилади. «Умуман, Сизга армиянинг нима ҳожати бор, ҳарбий комиссариат нимага керак? Ахир СССР Мудофаа вазирлигининг қудратли Туркистон ҳарбий округи Ўзбекистонда бўлса!» — деб коса тагида нимкоса қабилида бу ҳарбий салоҳият билан чўчитмоқчи бўлади. Уларнинг ёрдамисиз Ўзбекистон ўз хавфсизлигини таъминлай олмаслиги писанда қилинганида, куни-кеча мустақликка эришган мамлакатнинг мустақил Президенти жавоби шундай бўлди: «Биринчидан, республика Мудофаа ишлари вазирлигининг жорий қилиниши ва вазирнинг тайинланиши — ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам ҳал қилинган масала. Иккинчидан, бу масалада сиз билан келишишни асоссиз деб ҳисоблайман». Қатъий жавоб олган Иттифоқ вазири анча ҳовуридан тушиб, республика мудофаа ишлари вазири билан кейинги ҳамкорлик учун танишмоқчи эканлигини билдиради. Президент: «Модомики, сиз

Коидзуми — Япония Бош вазири

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хабарингиз бор, сўнгги ўн уч йил ичида Японияда ўн бир бор ҳукумат ўзгарди. Аммо Япония учун ҳукумат раҳбарларининг бу тариқа тез-тез алмашиб туриши табиий ҳол. Негаки, оддий япониялик сиёсат сиёсатдонлар учун, ҳукумат эса ҳар қандай вазиятда ҳам халқ манфаатини кўзлаб иш тутиши керак, дея қатъий ишонади. Ўз навбатида ҳукумат тепасига келган мулозим ҳам бу ишончни оқлашга ҳаракат қилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Япония Конституциясига биноан ҳар уч йилда парламентнинг юқори палатасидаги 252 ўриннинг 50 фоизи қайта сайланади. Шу йилнинг июл ойига тўғри келадиган ана шундай сиёсий тадбирда янги Бош вазир 50 фоизлик сафда Либерал-демократлар партияси кўпроқ ўрин олишга ҳаракат қилиши керак. Акс ҳолда ҳукумат яна истеъфога чиқишига тўғри келади. Бироқ кунчиқар мамлакат халқининг Д.Коидзумига бўлган ҳурмати анча баланд. Уни улар «ислоҳотпарвар сиёсатдон» дея тавсифлашмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, унда раҳбарга хос барча хислатлар тўлатўкис мавжуд.

Д.Коидзуми 1942 йили таниқли сиёсатчи оиласида туғилди ва 1967 йилда Токиодаги нуфузли «Кэйо» университетини тамомлади. Ихтисослиги — иқтисодчи. 1996 йилда у Японня соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазири портфелини қўлга киритди. Айни шу даврда тамаки маҳсулотларини чеклаш борасидаги фаолияти унга катта шуҳрат келтирди.

Кеча у Бош вазирлик курсисига ўтирар экан, мамлакат Конституциясига жузъий ўзгартиришлар киритишини маълум қилди. Бундан ташқари, у Либерал-демократик партиянинг ҳам, Японияннинг жаҳон жамоатчилиги олдидаги «қиёфаси»ни ҳам ўзгартириш тарафдори. Маълумки, Япония дунёдаги энг йирик капитал экспорт қилувчи ва иккинчи саноат давлатидир. У маҳсулот экспорт қилиш бўйича жаҳонда учинчи ўринда туради. Лекин янги Бош вазир мазкур эътирофлар билан кифояланмаслигини баён қилаётир.

Шунингдек, ушбу мамлакат ривожланаётган давлатларга кўмаклашиш тадбирларида ҳам фаол қатнашмоқда. 1998 йилда бундай ёрдам 10,7 миллиард долларни ташкил қилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг халқаро ҳамжамият минбаридан туриб, Японияни БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолигига сайлаш ғоясини илгари сураётганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Кейинги йилларда Японнянинг дунёдаги нуфузи тобора ошиб бораётир ва у ўзининг тинчликсевар ташқи сиёсати билан ҳар қанча эътирофга лойиқ. Дзюнитиро Коидзуми бошчилигидаги ҳукумат эса бу йўлдан дадил боришга қатъий аҳд қилган.

Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоят хўжаликлари, ташкилот ва бошқарма бошлиқлари диққатига!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2000-2001 ўқув йилида бакалавр йўналиши бўйича битирувчиларни йўлланмалар асосида иш жойларига тақсим қилишга киришмоқда.

Шу муносабат билан битирувчи бакалаврга уч томонлама шартнома асосида уларни хоҳиши бўйича, келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингизни (маошга устама ҳақ тўлаш, турар жой билан таъминлаш ва уларга бериладиган бошқа имтиёзларингиз) ҳақида университетга жорий йилнинг 15 майига қадар хабар беришингизни сўраймиз.

Ректорат 2000-2001 ўқув йилида қуйидаги жадвалда кўрсатилган йўналишлар бўйича университетни битираётган юқори малакали бакалаврлар ҳақида статистик маълумотни сизнинг эътиборингизга маълум қилмоқда.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
63-63-35, 63-76-77, факс 63-76-00.

Университет ректорати.

Тошкент давлат аграр университети кундузги бўлимини 2000-2001 ўқув йилида битираётган бакалаврлар ҳақида статистик маълумот

	Иқтисод	Бухгалтерия ва аудит	Агрономия	Селекция	Агрокимё ва тупроқшунослик	Ўсимликларни химоя қилиш	Мева-сабзавотчилик ва узумчилик	Ўрмон хўжалиги	Зоомухандислик	Ипакчилик
Тошкент шаҳри	10	8	-	-	-	2	3	1	8	-
Тошкент вилояти	41	80	22	1	1	5	8	-	16	-
Андижон вилояти	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-
Наманган вилояти	1	-	5	-	1	-	-	1	2	-
Самарқанд вилояти	-	2	1	-	-	1	-	-	1	-
Жиззах вилояти	4	5	2	-	-	-	-	3	2	2
Фарғона вилояти	1	2	-	-	1	-	-	-	-	-
Қашқадарё вилояти	3	16	15	5	12	19	2	4	18	9
Сурхондарё вилояти	5	11	2	1	10	9	1	2	5	1
Бухоро вилояти	2	1	3	-	-	-	-	-	-	1
Навоий вилояти	-	1	-	-	1	1	1	-	-	1
Хоразм вилояти	2	9	5	1	-	-	-	1	2	-
Сирдарё вилояти	2	3	3	-	-	4	1	-	1	-
Қорақалпоғистон	1	4	-	1	-	1	1	4	-	1
Бошқа давлатлардан	-	1	-	-	1	-	-	-	-	-
ЖАМИ: 455	**72**	**143**	**58**	**9**	**27**	**43**	**17**	**16**	**55**	**15**

4131

Журналларнинг янги сони

«Мулоқот»

Инсон ҳамиша орзу-ҳавас билан яшайди. Комилликка хос юксак фазилат шуки, ўз бахтига муяссар бўлган инсон бошқаларни ҳам бахтиёр ва баркамол кўришни истайди.

«Мулоқот»нинг янги сонида чоп этилган аксарият мақолаларнинг муаллифлари серқуёш Ўзбекистонни янада нурли ва фаровон кўришни орзу қилганлар. Орзуга айб йўқ. Бу табиий ва қувончли жараён. Ушбу сонда таниқли файласуф олим Абдулҳафиз Жалолов ана шулар хусусида атрофлича фикр билдиради. Модомики, маънавият инсон учун, унинг ҳаёти фаровон бўлиши учун хизмат қилиши лозим экан, унинг узвий қисми бўлган ҳуқуқий маънавиятнинг ҳам мамлакат тараққиётида аҳамияти беқиёс. Бу борада профессор Ғофур Абдумажидовнинг қарашлари ўзига хос. Ватанпарвар бўлиш учун инсон она-Ватанни катта меҳр-муҳаббат билан сева билмоғи шарт. Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳиби Барот Бойқобилов «Рўйи замин соҳибқирони» мақоласида Самарқанд тарихига тўхталиб, гўзал шаҳарга ички бир фахр ва соғинч билан мурожаат қилади.



«Мулоқот»нинг ташкил топганига ўн йил бўлди. Юртдошларимиз «Мулоқот»нинг бу санаси билан табриклашда давом этмоқдалар. Янги сонда Янгиариқ туман ҳокими Отабек Бекчонов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Абдулла Абдунабиевларнинг қутловларини ўқийсиз.

«Мулоқот»нинг 2-сонида фаол муаллифларимиз Акмал Саидов, Рустам Шамсутдинов, Шукритдин Пахрутдинов, Сайди Умиров ва Саидакбар Булатовларнинг қизиқарли мақолаларини ўқийсиз. Шунингдек, Расулжон Носиров ва Абдузоир Жалиловлар қаламига тегишли «Адолатпешалик қозиларга ёт бўлганми?» мақоласида гавдалантирилган тарихий ҳақиқат адолатли, демократик давлатни барпо этишда ўзига хос аҳамият касб этиши ойнадек равшан.

Янги сон Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби Абдулла Орипов шеърлари билан ҳам янада ўқимишлилик касб этган.

Тошкент — нон шаҳри. Янги сондаги Комилжон Тўлаганов ва Мирзиёд Каримжоновларнинг мақолалари ана шу тансиқ ноз-неъмат ишлаб чиқаришнинг пойтахтдаги бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳақида ҳикоя қилади.

Моддий неъматлар инсон учун қанчалар зарур бўлса, маънавият ва маърифат ҳам шунчалик зарурдир. Ёш олима Нодир Зиёеванинг «Буюк фалсафа талқини» ва журналист Нормўмин Очиловнинг «Маънавий қарз»и ҳам юксак тарихий ҳақиқатлар маҳсули сифатида дунёга келган.

Бугун юртимизда юрагида ўти бор ёшлар вояга етмоқда. «Мулоқот» ҳам кейинги пайтда ўз саҳифаларидан ёшларга кенг ўрин ажратмоқда. Жумладан, Сурьат Исҳоқов, Хуршида Юнусова, Муҳаммаджон Абдурахмонов, Меҳрибон Абдуллаева, Гулрух Тошева, Уктамбек Убайдуллаевларнинг янгича қарашлари муштарийлар ички дунёсини ҳам бойитади.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ,
журналнинг масъул котиби.

Республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари диққатига:

«Ўзбекистон мозий дурдоналари»

кўргазмасининг очилиши муносабати билан ўтказилаётган матбуот конференцияси Темурийлар тарихи давлат музейининг мажлислар залида 2001 йил 30 апрел эрталаб соат 10 да бошланади.

Кўргазмага марҳамат!

Маълумот учун телефон: 132-02-12

давлат бўлсанг — давлат бўл»

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари вазири билан ҳамкорлик қилиш мақсадида танишишни истасангиз, мен уни Москвага юбораман, танишиб оласизлар», деб жавоб беради.

СССР мудофаа вазири билан суҳбатни тугатгач, Президент Аҳмедовга қарата: «Сен Республика мудофаа ишлари вазири сифатида Москвага борасан. Лекин у ерга фуқароча кийиниб боргин. Негаки, сен подполковниксан, у эса — маршал. Ҳарбий кийимдаги погонларинг Иттифоқ мудофаа вазири билан мустақил давлатнинг мудофаа ишлари вазири сифатида тенгма-тенг гаплашишингга йўл қўймайди», — дейди.

Ўша вақтларда СССР Мудофаа вазирлиги ва унга бўйсунувчи Туркистон ҳарбий округи ҳар қандай қулай вазиятда республика Мудофаа ишлари вазирлигини тан олмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Бу пайтда Туркистон ҳарбий округи қўмондонлик таркибининг фақат 2-3 фоизигина ўзбекистонлик бўлиб, қолганлари четдан келганлар эди. Шунинг учун ҳам янги ташкил топган, ҳали на қўшини, на қуролли кучлари, на ҳарбий техникаси ва қурол-аслаҳасига эга бўлмаган Республика Мудофаа вазирлиги Туркистон ҳарбий округи билан ўз муносабатларини эҳтиёткорлик билан олиб бориши лозим эди. Чунки ҳар қандай низо бизга зиён етказиши мумкин эди. Шуни тушунган Президентимиз мудофаа вазирини ўз ҳузурига чақириб, республикада осойишталикни сақлаб қолган ҳолда мудофаа қудратини оширишнинг чуқур ўйланган йўл йўриғини беради. Бу ишларни ортиқча ҳиссиётга берилмасдан, босиқлик билан, қон тўкилишига йўл қўймай ҳал қилиш зарурлигини уқтиради. Мамлакатимиз дахлсизлигини таъминлаш учун биринчи галда қуйидаги ишларни бажаришни топширади:

1. Ҳарбий комиссариатларни республика ихтиёрига ўтказиб, собиқ Иттифоқ армиясига аскар юборишни тўхтатиш.

2. Иттифоқда хизмат қилаётган ўзбекистонлик аскар ва зобитларни республикага қайтариб олиб келиш.

3. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча ҳарбий гарнизон ва ҳарбий қисмларни республика тасарруфига ўтказиш.

Министрлар Советининг қарори билан бирма-бир ҳарбий комиссариатлар, Фуқаролар мудофааси штаби ва ДОСААФ республика ихтиёрига олинди. (Кейинчалик ДОСААФ «Ватанпарвар» ташкилотига айлантирилди) Ҳарбий комиссариатларнинг республика ихтиёрига ўтказилиши йигитларимизнинг Иттифоққа хизмат қилишларига чек қўйди. Навбатдаги вазифа Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида хизмат қилаётган ҳарбий зобит ва аскар йигитларимизни Ватанга қайтариб келиш эди.

Мустақиллик нафасини туйган собиқ Шўролар давлатининг турли чеккаларида ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларимиз СССР армиясида хизмат қилишдан бош тортдилар. Таъкидлаш лозимки, фақат ўзбекларгина эмас, ўзларини Ўзбекистон фуқароси, Ўзбекистонни Ватани деб билган турли миллат вакиллари бўлган зобит ва прапорщиклар ҳам Ўзбекистонда хизмат қилиш истагини билдира бошладилар.

Ўша чоғда Президент Ислом Каримов мудофаа ишлари вазирини ва ички ишлар вазирининг ўринбосарини ҳузурига чақириб, Москва яқинидаги Ички ишлар қўшинларида 270 га яқин ўзбекистонлик ҳарбий хизматчи борлигини, улар Россияда хизмат қилишдан бош тортаётганликларини айтади. «Тезда ўша ерга етиб бориб, уларни зудлик билан Ўзбекистонга қайтариб келиш чораларини кўринг. Бу муҳим масала ҳал этилса, Иттифоқнинг бошқа ерларида хизмат қилаётган ватандош йигитларимизга далда бўлади ва уларнинг оммавий равишда Ватанларига қайтиб келиши учун йўл очилади».

Дарҳақиқат, Президентимизнинг масалага чуқур ёндошганлигини кейинги воқеалар ривожи тасдиқлади. Москва атрофида хизмат қилаётган аскар ва зобитларимиз Ватанимизга олиб келинганидан кейин бу ҳақда хабар топган бошқа ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар фақат мустақил Ўзбекистон Республикасигагина хизмат қилажакларини билдириб, Иттифоққа хизмат қилиш тўғрисида қасамёд қилишдан бош торта бошладилар. Шу сабабли СССР Мудофаа вазирлиги уларни Ўзбекистонга қайтариб юборишга мажбур бўлган эди. Эътиборлиси шундаки, бу аскар ва сержантларнинг учдан бир қисми турли миллат вакиллари бўлсалар-да, Ўзбекистонга хизмат қилиш истагини билдирдилар.

Ҳарбий хизматчиларнинг ўз юртига қайтиши юзаки қараганда осон ишдек туюлиши мумкин. Аслида уларнинг ижтимоий ҳимояси, уйжой билан таъминланиши каби мураккаб масалаларни ҳам ҳал қилиш зарур эди. Ортга суриб бўлмайдиган бу вазифа юзасидан Президентнинг аниқ кўрсатмаси асосида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш ҳуқуқий таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январидаги Қарори мамлакат Қуролли Кучларини ташкил топишида энг муҳим қадам бўлди. Бу қарор асосида республика ҳудудида жойлашган собиқ Иттифоқнинг барча ҳарбий қисмлари, қўшилмалари, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига олинди. 14 январни «Ватан ҳимоячилари куни» деб эълон қилиниши билан халқимиз тинч ва осуда ҳаёти, Ватанимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканлигини яна бир бор ҳис этди.

Мустақил давлатимиз мудофаа ишларини ташкил этишнинг аҳамияти кам бўлмаган яна бир томони бор. Руҳий кайфият жиҳатидан Мудофаа ишлари вазирлигининг қайси бинода жойлашганлиги ҳам муҳим эди. Дастлаб вазирлик учун Президент Девони биносида бир хона ажратилди. 1991 йил октябрида эса вазирлик Мустақиллик майдонидаги Фуқаролар мудофааси қўмитаси биносига кўчирилди ва унда 12 зобит 3 ходим иш бошлади. Мустақил давлатнинг мудофаасини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш унинг асосий вазифаси этиб белгиланади. Орадан уч ой ўтар-ўтмас, Президент мудофаа ишлари вазирига қўнғироқ қилиб: «Сен қаерда ўтирибсан?»-деб сўрайди. Жавобини эшитгач: «Нима сабабдан Туркистон ҳарбий округи биносига ўтмадинг? Ўша ерга кўчгин!» — деб топшириқ беради. Айни пайтда Туркистон ҳарбий округи қўмондони генерал Кондратьевга ўз биносидан республика Мудофаа вазирлигига жой ажратишни топширади. Орадан чамаси 2-3 хафта ўтгач, Президент яна ўша савол билан мурожаат этади. Мудофаа вазири: «Топширигингиз бажарилди, вазирлик Туркистон ҳарбий округи биносига кўчирилди»,- деб рапорт беради. Шунда Президент: «Мудофаа вазирлиги ўша ерда жойлашганини ким билади? Мен ҳар куни икки марта ўша ердан ўтаман, аммо «Туркистон ҳарбий округи қўмондонлиги» деган ёзувни кўряпман, холос. Энди фуқароларимиз Ўзбекистоннинг ўз Мудофаа вазирлиги борлигини, давлат ва фуқароларимизнинг ҳимоячиси борлигини билиши керак»,- дейди. Эртаси куни эрталаб генерал Кондратьев хизматга келганида, бино узра Ўзбекистон Республикаси байроғи ҳилпираб турганини ва эски ёзув ўрнида «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги» пештахтасини кўриб ғазабга келади. Мудофаа вазирининг ҳузурига важоҳат билан кириб, ғазабини яширмай: «Туркистон ҳарбий округи 1867 йилдан бери бу ерда турган, бундан буён ҳам қолади», дея Туркистон ҳарбий округи биносидан Ўзбекистон байроғини ва янги пештахтани олиб ташлашни талаб қилади. Талаби бажарилмаган тақдирда Москвага мурожаат этишини айтиб, дўқ-пўписа қилади ва бу масалани ҳал этиш учун республика Президенти Ислом Каримов битопширигим билан қўйилган. Байроғимиз мустақиллигимиз рамзи сифатида ҳилпираб туравверсин», — деб айтади.

Шундан кейин ҳам Тошкентда қолган Кондратьев янги воқеликни тан олишни истамай, «ётиб қолгунча отиб қол» қабилида иш тута бошлайди. Ўзбекистонда қолиб хизматини давом эттириш истагини билдирган зобитларни сотқинликда айблаб, жамоатчиликда салбий фикр уйғотишга зўр бериб уринади. Шунда Президентимиз қатъият кўрсатиб, Ўзбекистон ўз Қуролли кучларига эга эканлигини ва Иттифоққа тегишли ҳарбий округнинг ҳудудимизда қолишига ўрин йўқлигини айтади. Шашти синган генерал республика ҳудудидаги ҳарбий техника ва қурол-яроғларни оммавий равишда олиб чиқиб кетиш чораларини излай боқлади. Бунга жавобан Президент ҳарбий техника ва қурол-яроғларни Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетишни таъқиқлаш тўғрисидаги Фармонни имзолайди. Шундан сўнг Туркистон ҳарбий округи таркибида бўлган қўшинлар бирма-бир Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ихтиёрига ўтказила бошлади. Бу қадамнинг Президентимиздан нақадар катта ориқдан талаб этганлигини шунда ҳам кўришимиз мумкинки, Россия Президенти Б.Н.Ельцин фақат 1992 йилнинг май ойидагина Россия Мудофаа вазирлигини жорий этади. Мудофаа вазири этиб П. Грачёвни тайин қилар экан, СССР Мудофаа вазирлигини бекор қилишни истамай, генерал Шапошниковни ўз вазифасида қолдиради.

Маълумки, МДҲ давлатларининг раҳбарларининг жуда кўп учрашувларида мудофаа масалаларига катта аҳамият берилади. Бу учрашувларда МДҲ кенгашининг раиси сифатида Россия Президентининг ва Россия мудофаа вазири П.Грачёвнинг ўрни салмоқли эди. Лекин у ёки бу масалаларни ҳал қилишда улар Ўзбекистон Президентининг фикри билан келишишга мажбур бўлишар эди. Чунки, МДҲ давлатлари раҳбарларининг кўпчилиги мустақилликнинг дастлабки йилларида мудофаа масалаларига эътибор қилмасдан, П.Грачев ва унинг қўл остидагилари тайёрлаган шартномаларга имзо чекаверганлар. Фақат бизнинг Президентгина ҳар бир масалани чуқур ўрганиб, Ўзбекистон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ўз шахсий муносабатини очиқ баён этарди. Россия мудофаа вазири П.Грачёвга бу ҳолат, табиийки, ёқмас эди. Шундай учрашувларнинг танаффус пайтида Грачёвдан нима сабабдан Ўзбекистон Президентини унча хуш кўрмаслиги сўралганида, у Президентимизни ҳурмат қилишини, лекин Ислом Каримов мустақил фикрга эга эканлиги ва мудофаа масалаларида қатъийлик кўрсатганлиги туфайли ундан ҳайиқишини очиқ айтади. Грачёвнинг айтишича, Россия Президенти Ельцин ҳарбий ва мудофаа масалалари бўйича бирор қарорга келишдан илгари албатта Ўзбекистон Президентининг фикрини билишга ҳаракат қилар ва розилигини олар эди. Бирор-бир масала юзасидан Президентимиздан салбий жавоб олинганида, мазкур масала кенгаш кун тартибидан олиб ташланганлиги маълум. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин мақолани ёзишдан мақсадимиз бу эмас. Ният мустақил Ўзбекистонимизнинг бундай қудратга эришганлигининг асосий сабаблари нимада эканлигини баҳоли қудрат таҳлил этиб, мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириб боришда Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб қилган ишларини англаб етишга ёрдам беришдан иборатдир. Барчамиз бир юртнинг фарзандимиз. Ўзбекистон тинчлиги — ҳар биримизнинг тинчлигимиз. Шундай экан, Ўзбекистон фуқароси сифатида юртимиз тинчлиги йўлида баҳамжиҳат бўлишимиз кераклигини унутмаслигимиз зарур.

Президентимиз томонидан айтилган «Мустақил бўлсанг — мустақил бўл! Давлат бўлсанг — давлат бўл!» иборанинг асл мазмун-моҳиятини тушуниб, бу йўлда хизмат қила олсаккина, юртимиз тинч, мамлакатимиз обод, мустақиллигимиз абадий бўлажак!

Озод АББОСХЎЖАЕВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси халқ, олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим ходимларининг биринчи анжумани бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов очди. Вазирлар Кенгаши Раиси А.Тожиев таълим тизимини такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги ишлар тўғрисида маъруза қилди.

Турли таълим муассасаларидан сайланган 707 нафар делегат иштирок этган анжуманда тармоқдаги бугунги аҳвол атрофлича таҳлил этилди. Айни кунда Қорақалпоғистондаги 763 та умумтаълим мактаби, 389 та болалар боғчаси, 83 та мактабдан ташқари муассасаларда 380 минг нафар ўқувчиларга деярлик 40 минг нафар педагог билим бермоқда. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университети ҳамда Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг ҳар бири йилига 1000 нафардан мутахассис тайёрлаб бермоқда. 66 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканларида 45 минг нафарга яқин ёшлар ихтисос эгалламоқдалар.

Анжуман аҳли тармоқда вужудга келган муаммолар, таълим жараёнини жаҳон андозалари асосида такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларни белгилаб олди. Мамлакат ўқитувчиларининг I анжуманига 62 нафар делегат сайланди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Футбол: жаҳон чемпионати—2002

Барча йўллар стадионга элтади

Бугун миллионлаб футбол мухлисларининг нигоҳи жаҳон чемпионати саралаш учрашувларига қаратилган. Севимли жамоасини олқишлашга ошиққан ишқибозларни барча йўллар стадионга элтмоқда. Айниқса, ўзбекистонлик футбол шайдоларининг қувончи чексиз. Улар анчадан буён терма жамоамизнинг чиройли ўйинларини, аниқроқ айтадиган бўлсак, ғалабаларини соғинib қолишган эди. "Пахтакор" марказий стадионига ташриф буюраётган 50 мингдан ошиқ, телеэкран олдига михланган миллионлаб мухлисларнинг чарм тўп шоуларига бўлган ана шундай чанқоқлиги қондирилаяпти, десак муболаға бўлмас.

	Ў	Ю	М	Д	Т-Н	О
Ўзбекистон	2	2	0	0	8-0	6
Туркманистон	2	1	1	0	2-1	3
Иордания	2	1	1	0	2-2	3
Хитой Тайпейи	2	0	2	0	0-9	0

Осиё қитъаси 7-саралаш гуруҳида яна иккита ўйин бўлиб ўтди. Дастлаб МҲСКнинг яшил майдонига Иордания ва Хитой Тайпейи ҳудудий жамоаси футболчилари тушишди. Учрашувда иорданиялик чарм тўп усталари иккита жавобсиз тўп киритиб, уч очко эгаси бўлишди.

Шундан сўнг ушбу гуруҳдаги ғолибликка асосий даъвогар бўлган икки терма жамоа — Ўзбекистон ва Туркманистон футболчилари беллашдилар. Учрашувнинг 63 дақиқасида Миржалол Қосимов томонидан киритилган ягона гол ўйин тақдирини ҳал қилди. Терма жамоамиз сардорининг чамаси 20 метрлардан жарима тўпини қойилмақом ижро қилиши стадионни ларзага келтирди.

Хўш, мазкур беллашув ҳақида терма жамоалар бош мураббийлари қандай фикрда?

Владимир САЛЬКОВ (Ўзбекистон):

— *Биз рақиб жамоа таклиф этган ўйин услубида тўп суришга мажбур бўлдик. Фақатгина Миржалолнинг ўз ишининг устаси эканлигини яна бир бор намойиш этиши ғалабани таъминлади. Ҳакамлар масаласига тўхталадиган бўлсам, у ёки бу жамоага ён босди, деб айта олмайман. Бироқ баъзи вазиятларда йигитларимизга ҳаракат қилишга имкон бермагани рост. Иккинчи бўлимда Владимир Маминовнинг аниқ ҳаракатларини алоҳида таъкидлашим керак.*

Ташмурад АГАМУРАДОВ (Туркманистон):

— *Моради Жалолнинг (Эрон) мана шу тарздаги ҳакамлик фаолияти бизни тўлиқ қониқтиради. Майдоннинг ҳар бир нуқтасида рақибларимиздан устунликка эришишга ҳаракат қилдик. Қайсидир маънода бунга эришдик ҳам. Мағлубиятга учраган бўлсакда, ёмон ўйнадик, деб айта олмайман. Фақат баъзи вазиятларда омад биздан юз ўгирди.*

Эслатиб ўтамиз, бугун биринчи даврадаги охирги учрашувлар бўлиб ўтади: Ўзбекистон-Иордания ("Пахтакор", 19:00) ва Туркманистон-Хитой Тайпейи (МҲСК, 16:00)

Озод БЕК,
"Халқ сўзи" мухбири.
Рашид ҒАЛИЕВ олган сурат.

«Шоир»нинг маъшуқаси

Ҳажвия

Йигитга қатор стулларнинг биридан жой кўрсатди.

— Шеърият бўлими отпускада. Мен қабул қиламан, шеърларни. Қани, ўтиринг.

Йигит ўриндиққа чўкди. Кейин қўлидаги дафтарни кекса ходимга узатди.

— Шуларни бир кўрсангиз...

Ходим дафтарни қизиқиб варақлади.

— Ҳмм. Қани, кўрайликчи, нималарни ёзибсиз. Хўш-ш, «Севгилимга», «Қаламқошим, кел», «Бир боқишинг», «Сочларингга гул тақсам», «Кўзлари ҳумор»... Ойвуй, битта қизни юзи-кўзи демай роса чаплаб ташлабсиз-ку, иним!

Йигит бир зум довдираб қолди, сўнг ўзини «оқлади»:

— Мен фақат лирик шеърларни олиб келувдим.

Ходим бу гапга ишонқирамай кулимсиради. Сўнг кўзойнагини олиб, стол устига қўйди. Йигитга синовчан боқди.

— Иним, хафа бўлмасангиз, сизнинг шу кунларда қай аҳволда эканингизни айтиб берай. Сиз мана бу (дафтарга ишора қилди) қизни икки-уч ҳафта бурун учратгансиз. Дарров ёқтириб қолгансиз. Бир-икки маротаба сўзлашгансизлар ҳам. Кейин у қизга атаб қаторасига шеърлар ёза бошлагансиз. Ўша қиз шеърларингизни газетада ўқишини жудаям истагансиз ва бу ёққа қараб йўл солгансиз. Хўш, тўғри топдимми?

— Ҳа, шундай, — деди йигит очиқчасига тан олиб. — Сиз буларни қаёқдан биласиз?

— Бизнинг ҳам бошимиздан ўтган-да, — деди ходим аллақандай жонланиб.

Йигит энди ҳушёр тортиб сўради:

— Ўшандан кейин шунақасига шоир бўп кетганмисиз?

— Э, йўқ. Кейин... Ўша қиз билан турмуш қурганмиз. Шу билан шоирликкаям чек қўйганмиз.

— Нима, кейин шеър ёзишга вақтингиз бўлмаганми?!

Ходим йигитнинг саволидан ўзини тутолмай кулиб юборди. Ҳатто кўзларидан ёш чиқиб кетди. Рўмолчаси билан кўз четларини арта туриб, сал жиддий тортди.

— Оббо иним-ей, ғалати гап қилдингиз-ку. Мен демоқчийдимки... Ҳаммаям ошиқликда шеър ёзади. Хоҳ қиз бўлсин, хоҳ йигит бўлсин, бариси. Лекин, бир-бировнинг дийдорига етишишса бўлди, шоирлиги ўша куниёқ тугайди.

— Йўғ-е, — деди йигит ишонқирамай.

— Ҳа, шундай, — деди ходим гапини давом эттириб. — Мабодо улар, йигит қизданми, қиз йигитданми, хуллас тасодифан ажралишса ана ундан сўнг бошланади ҳақиқий шоирлик. Масалан, мана сиз, чинакам шоир бўламан десангиз, ўша қизни ташлаб кетинг. Йўқ, буниси тўғри келмас. Ҳозирги ҳолатингиздa буни амалга оширолмайсиз, барибир. Яхшиси, у қизни бирор жойга узатиб юборишларини кутинг. Айрилиқдан кейин... Э, узр, ҳижрондан кейин шунақа зўр шеърлар ёзасизки! Мени айтди дерсиз, худди шундай бўлади. Оҳ, иним, сиз билан ўша кунларда учрашамиз, насиб бўлса.

Сўнг у кўк муқовали дафтарни олиб, йигитга узатди.

— Ҳозирча ўзингизда тура турсин, хўпми?

Йигит бўшашиб ўрнидан турди.

— Хўп, мен борай...

— Хўп, омон бўлинг, яна келиб туринг, — деди ходим ўрнидан сал қўзғолиб.

Йигит ташқарига йўналди. Кўчага чиққанидан кейин кекса ходимнинг бояги гаплари хаёлида айланди. «Сиз у қизни ташлаб кетинг ёки бирор жойга узатилишини кутинг!» Ие, ғалати маслаҳат бўлди-ку, бу. Демак, икковидан бирини танлаши керак экан-да. Ё зўр шоир бўлиш, ё қизга уйланиш. Ҳозир у негадир иккисидан ҳам воз кечгиси келмасди. Шоир бўлиш зўр нарса! Қиз эса жуда офатижон. «Уф-ф!» Боши қотиб кетди. Анча вақт ўйланиб туриб қолди. Шунда у... Беихтиёр қўйин чўнтагидан шеър дафтарини олди ва ўртасидан йиртиб иккига бўлди. Сўнг ҳамма варақларини эринмасдан майдалаб йиртди. Уни дарахт тагидаги чиқиндi уюми устига сочди. «Биров кўрмадимикин?» дегандек ён-верига қараб олди. Кейин автобус бекати томон жадал юриб кетди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

ҲИКМАТ

Ўйлаб сўзлагин эр сўзи сўз кўрки бўлур,
Кўп янглишган тил кишига душман бўлур.

Кино оламига илк қадам...

Тошкентда бўлиб ўтган республика «Х Болалар кинофото фестивали» якунланди. Вилоятлардан келган 16 ёшгача бўлган кино-фото ҳаваскорлар урф-одатларимизни улуғлайдиган, ёшларнинг сермазмун кундалик ҳаётини кўрсатадиган қисқа кино ва фото лавҳаларини намойиш қилдилар. Кўрик танловда самарқандлик ёшлар гуруҳи олий соврин — «Гран При»га сазовор бўлдилар.

Дилором ҚАЮМОВА.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва миниқалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Шарҳловчилар — 136-07-94
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2315, 26639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6

«Намангган экстракт-ёғ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

2001 йил 26 май куни соат 10.00 да акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:
1. Жамиятнинг 2000 йил фаолияти натижалари ҳақида ҳисобот ва 2001 йилга белгиланган вазифалар ҳақида.
2. Жамиятнинг 2000 йил учун йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисоб-китоби тўғрисида.
3. 2000 йил якунлари бўйича аудитор хулосасини тасдиқлаш ва 2001 йил фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторни тайинлаш тўғрисида.
4. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва тафтиш комиссияси таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисида.
5. 2001 йил фаолиятига доир бизнес-режани тасдиқлаш.
6. 1995 йил якуни бўйича берилган дивидендларга қўшимча ҳисобланган дивиденд суммасини тасдиқлаш.
7. 1997, 1998, 1999 йиллар якуни бўйича олинган соф фойдани қолдирилган қисмларини кўриб чиқиш тўғрисида.
8. Кузатув кенгаши қарорларини тасдиқлаш.

Акциядорларни рўйхатга олиш 8.00 дан бошланади.
Манзил: Наманган шаҳри, А.Раҳимов кўчаси, 25-уй.
Телефонлар: 6-47-11, 6-49-91. Кузатув кенгаши.

2000 ЙИЛ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

№	Кўрсаткичлар	Ҳисобот даврида фойда	Ҳисобот даврида зарар
1.	Маҳсулот (иш хизмат) сотишдан тушган тушум	2478651	
2.	Кўшилган қиймат солиғи		383868
3.	Акциз солиғи		1021471
4.	Сотишдан олинган соф тушум	1073312	
5.	Сотилган маҳсулот (иш хизмат) ишлаб чиқариш таннархи		841548
6.	Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа	231764	
7.	Сотиш харажатлари		23183
8.	Маъмурий харажатлар		102575
8а.	Бошқа операцион даромад	122	
9.	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси	106128	
10.	Валюта курси фарқи		96626
11.	Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажат	9741	
12.	Умумхўжалик фаолиятнинг молиявий натижаси	115869	96626
13.	Солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижа	19243	
14.	Фойда солиғи		8488
15.	Юқоридаги моддаларга кирмайдиган бошқа солиқлар		155
16.	Ҳисобот давридаги соф фойда	10600	

4127

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги

С.Ҳ.СИРОЖИДДИНОВ НОМЛИ
АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

2000-2001 ўқув йили учун I КУРСГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Академик лицейга республикамиздаги барча мактабларнинг 9 синфини «аъло» ва «яхши» баҳоларга битирган иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР МАВЖУД:
1. ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА. 2. КИМЁ - БИОЛОГИЯ.
3. ИЖТИМОИЙ - ГУМАНИТАР.

Академик лицейда таълим ва тарбия олиш учун барча имкониятлар мавжуд.
Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.
Машғулотларни университетнинг тажрибали профессор- ўқитувчилари ва лицейнинг малакали педагоглари олиб борадилар.

Академик лицейга ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади. Таплов тест асосида 1 - 10 август кунлари ўтказилади.

Кирувчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:
1. Директор номига ариза.
2. 9 синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси).
3. 086 - У шаклидаги тиббий маълумотнома.
4. Турар жойидан маълумотнома.
5. Ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.
6. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома.
7. 3 х 4 ўлчамли 6 дона фотосурат.

Манзилимиз: Тошкент ш., Чилонзор тумани, 9-мавзе, 33-уй.
2, 33, 77, 13, 116 автобуслар, 4-, 9-трамвайлар, 8 троллейбуснинг «Чўпон ота» бекати.
78-78-76

«Халқ сўзи» газетаси жамоаси таҳририят компьютер базаси оператори Жамшид Тоғаевга акаси
Толибжон ТОҒАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси олий математика кафедраси ўқитувчиси, профессор Фарадей Абуталиевга рафиқаси
Ирода АБУТАЛИЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси шоир Султон Жабборга онаси
РИЗВОНБУВИнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар палатаси Тошкент шаҳар нотариуси ва палата аъзоси Юлдуз Эрматовага волидаи муҳтарамаси
ХОСИЯТХОН аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.